

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
АХБОРОТНОМАСИ

№1/2023(166) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ

Верховного суда Республики Узбекистан

№1/2023

БОШ МУҲАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Азиз АБИДОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0249-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг
2004 йил 17 декабрдаги
110/4-сонли қарорига асосан
хуқуқий, илмий-амалий
журнал ваколати берилган.

Босишга 10.02.2023 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 6530 нусха.
Бюрогма № 135.

МУНДАРИЖА

2. Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик ҳукмрон бўлиши керак
13. Янги Ўзбекистоннинг янгиланиб бораётган суд ҳокимияти
19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида
21. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
26. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида
29. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
35. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида
37. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
46. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида
48. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан



Судьянинг оғида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик ҳукмрон бўлиши керак

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, ўтган давр мобайнида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, давлат ва жамиятни тубдан модернизациялаш, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришишда муҳим ўрин тутди.

Ҳўш, бугунги кунда судни том маънода “адолат қўрғони”га айлантириш йўлида қандай босқичлардан ўтилди ва келгусида яна нималарни амалга ошириш лозим?

Мухбиримиз шу ва соҳага оид бошқа янгиликлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги устувор вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр ИСЛОМОВ билан суҳбатлашди.

— Бахтиёр Жаҳонгирович, Олий суд раиси лавозимида иш бошлаганингизга ҳали кўп вақт бўлмади ва бу масъулиятли вазифа Сизга ишониб топширилди. Айтинг-чи, бугунги кунда суд тизимига халқнинг ишонч даражасини ошириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Янги Ўзбекистон ислохотларининг илк даврлариданоқ Президенти-

миз Шавкат Мирзиёев судлар олдида турган асосий мақсадлардан бирини аниқлаб берди. Яъни бунда судни том маънода “адолат қўрғони”га айлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Биласизми, фуқароларимизнинг судга бўлган ишончини оширишда,

аввало, судьялар мустақиллиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги, суднинг очиқлиги ва шаффофлиги, судьянинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирувчи омиллар мавжуд бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда инсонда судга бўлган ишонч йўқолади.

Фуқароларимиз судни — одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган орган, ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони, деб қарашига эришишимиз зарур.

Аҳолининг судларга бўлган ишончини ошириш йўлида суд-ҳуқуқ ислохотлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловдан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилмоқда.

Олий суднинг расмий веб-сайтида интерактив хизматлар портали ишга туширилган бўлиб, унда судларга электрон мурожаат йўллаш, суд ҳужжатларининг намуналаридан фойдаланиш, давлат божини автоматик тарзда ҳисоблаш, суд харажатларини электрон тўлаш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва шу каби бошқа кўплаб имкониятлар йўлга қўйилган.

Суд органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун ўтказиладиган суд мажлислари жадвали билан танишиш, суд қарорлари, судлар фаолиятига доир ҳисоботлар, ахборотлар, очиқ маълумотларни расмий веб-сайт орқали олиш, судда ишларнинг кўрилиш ҳолатини онлайн кузатиб бориш имкониятлари яратилган.



Жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали брифинглар, учрашувлар, чиқишлар тарзида хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Очиқ суд мажлисларида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари судларда иштирок этиш ҳуқуқи амалда. Шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгашларига суднинг фаолияти тўғрисида йилига камида бир мартаба ахборот бериш тартиби жорий этилган. Буларнинг ҳаммаси халқнинг суд тизимига бўлган ишонч даражасини оширишга қаратилган бўлиб, бунда судлар қонунга қатъий риоя қилиб, ҳар бир шахснинг манфаатларини муҳофаза этиши, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаши ва шу асосда халқнинг ишончини қозониши зарур бўлади.

Биз бу борадаги ислохотларимизни изчиллик билан давом эттириб, фуқароларимизнинг судларга бўлган ишончини оширишга доим ҳаракат қиламиз.

— Ўтган даврда давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳаётимизнинг барча соҳасида изчил ва қамровдор ислохотлар амалга оширилмоқда. Сиз суд тизимидаги янгиланишларнинг асл мазмун-моҳияти ва уларнинг устувор жиҳатлари нималарда деб биласиз?

— Тўғри таъкидлаб ўтдингиз, ўтган қисқа муддат ичида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, одил судловни таъминлаш бўйи-

ча изчил ишлар амалга оширилди.

“Янги Ўзбекистон — янги суд” таъмоили доирасида суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезони сифатида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш зарурлиги белгиланди. “Инсон қадри учун” принципи асосида инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатли таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг устувор йўналишларидан бири этиб урғуланган.

Инсон қадрини улуғлаш асосида амалга оширилган ислохотларнинг аҳолига келтирган ижобий натижалари биргина судлар томонидан чиқарилган оқлов ҳукмлари тобора кўпайиб бориши ноҳақ айбланаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишига олиб келди. Натижада сўнгги олти йил давомида 4 712 нафар ноҳақ айбланган шахс оқланган бўлса, бундан олдинги тўққиз йил ичида атиги 138 нафар шахс оқланган холос. Бу даврлар орасидаги ўзаро фарқ ҳам инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг натижадорлигини кўрсатмоқда.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан шахсни ҳимоя қилувчи маъмурий судлар ташкил этилиши натижасида аҳоли манфаатларига зарар етказаётган минглаб ғайриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди. Мисол учун, сўнгги олти йилда кўриб чиқилган 87 138 та маъмурий ишнинг 62 фоизи қаноатлантирилган.

2021 йилнинг октябридан ярашув институтини қўллаган ҳолда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ме-

ханизми амалиётга татбиқ этилиб, жорий йилга қадар кўриб чиқилган 68 318 та иш бўйича 109 043 нафар шахс ярашув муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш фуқароларнинг судлардаги сарф-харажатлари кескин камайишига олиб келди. Суд мажлисларида қатнашиш имконини берувчи видеоконференцалоқа тизими жорий этилиши натижасида ўтган йилда фуқароларнинг ўртача 12 миллиард сўмдан ортиқ харажатлари тежаб қолинишига эришилди. Шунингдек, ҳисобот даврида 1 миллиондан зиёд мурожаатлар судларга бевосита ташриф буюрмасдан электрон тарзда йўлланган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар нафақат фуқаролар мисолида, балки халқаро кўламда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи юзасидан ўз маърузасини БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг сессиясига тақдим этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу маърузада тавсиялар билан бир қаторда Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ижобий натижалар ҳақида алоҳида сўз юритилгани аҳамиятлидир.

— Аҳоли орасида “судма-суд сарсон бўлиб юрибмиз” деган фикрларни кўп эшитамиз. Тан олиш керак, вилоят судлари одил қарор чиқариш бўйича етарлича масъулият ололмаётгани сабабли оворагарчиликлар кўплиги

давлат раҳбарининг эътирозига ҳам сабаб бўлган. Умуман, суд ишларини юриштиринг амалдаги тартиби аҳоли учун қай даражада қулай деб ўйлайсиз?

— Хабарингиз бор, Президентимиз 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида “Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади” деб таъкидлади.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун суд қарорларини қайта кўриш тартибларини такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, судлар фаолиятида “бир суд — бир инстанция” тамойили асосида суд ишларини қайта кўриш тартиби ўзгартирилиб, туманлараро, туман, шаҳар судларида ишлар биринчи инстанцияда, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда ишлар апелляция тартибида, Олий судда ишлар кассация тартибида кўриб чиқилиши белгиланган.

Олий судда кассация инстанциясида кўриб чиқилган ишлар Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг протестига асосан ишни кассация тартибида такроран кўриш тартиби ўрнатилган.

Апелляция тартибида кўриб чиқилмаган ишлар бўйича Олий судга кассация тартибида шикоят (протест) киритиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги белгиланган. Шу сабабли, фуқароларимиз кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқини йўқотмаслик учун кўп ҳолларда суд қарори адолатли, асос-

ли ва қонуний бўлишига қарамасдан ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш учун шикоятлар бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг мавжуд ресурсларидан тўлақонли ва оқилона фойдаланилмаётгани тўғрисида юқори инстанцияда ишларнинг кескин ортишига ва фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилигига олиб келмоқда. Бунга ўтказилган таҳлиллар натижасида гувоҳ бўлдик.

Шу муносабат билан суд қарорларини қайта кўриш босқичларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— биринчи инстанция суди томонидан кўрилган ишлар вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқилади;

— вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилади;

— вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилади.

Бунда юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартиби бекор қилинмоқда ва уларга иш бўйича яқуний қарор қабул қилиш масъулияти юкланмоқда.

Таклиф этилаётган тартибни амалга ошириш орқали фуқароларнинг мамлакатимиз Конституциясида белгиланган суд орқали ҳимояланиш ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлари оширилади, уларнинг бузилган

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари янада кенгроқ ҳимояланади, шунингдек, одил судловга эришиш даражаси юксалтирилади.

Масаланинг яна бир жиҳати, аҳолининг судларда яратилаётган имкониятлардан ўз вақтида ва тўлиқ хабардор бўла олмаётгани судлардаги оворагарчиликларнинг яна бир сабаби бўлиши мумкин.

Тан олиш керак, бугунги кунда судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот билан аҳолини мунтазам таъминлашни тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Суд соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ва яратилаётган имкониятларни жамоатчиликка етказиш бўйича барқарор ҳуқуқий механизм яратилиши ҳам аҳолининг суд билан боғлиқ сарсонгарчиликларини камайтиришга хизмат қилади.

— Судлар билан ОАВ ўртасида яқиндан алоқа ва ҳамкорликни ўрнатиш йўлида қандай ишлар амалга оширилаётганига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда аҳолининг судлар фаолиятига доир ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шунингдек, холис ахборотни ўз вақтида бериб бориш орқали ёлғон, бирёқлама маълумотлар тарқалишининг олдини олишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва кўламини янада кенгайтириш суднинг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Хабарингиз бор, 2023 йил 16 январ-

да Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармон асосида Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси негизида Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази ташкил этилди. Бунда судларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик қилувчи тузилмаларининг иш фаолиятини янгилаш ёндашув ва усуллар асосида йўлга қўйиш, энг асосийси, тузилмаларни профессионал кадрлар билан тўлдириш чораларини кўриш вазифалари белгиланди.

Бунинг негизида эса оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни изчил ўрнатиш, уларга холис, тезкор ва расмий ахборотларни ўз вақтида ҳамда сифатли тақдим этиш, шунингдек, кенг жамоатчиликда судлар фаолияти бўйича ҳаққоний ва холисона фикр-мулоҳазалар ҳамда қарашларни шакллантириш туради.

— Ўтган йилнинг ноябрида Президентимиз одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказган эди. Унда судьялар сонини босқичма-босқич кўпайтириш таклифи маъқулланди. Айтинг-чи, бугунги кунда судьялар сони аҳоли сонига нисбатан мутаносиб равишда белгиланганми?

— Суд тизимидаги оғриқли муаммо сифатида судьяларнинг иш юкчасини айтиш мумкин.

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръ-

ати кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ бугунги кунда судьяларнинг штатлар сони ҳудудларнинг аҳоли сонига нисбатан мутаносиб равишда белгиланмаган.

Давлатимиз раҳбари томонидан одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда айнан шу масалага бежиз эътибор қаратилмади. Чунки судьяларнинг штатлар сони, ҳақиқатан ҳам, етарли даражада эмас.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил давомида жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида 58 697 та жиноят иши, 539 686 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар 562 304 та, иқтисодий судлар 277 865 та, маъмурий судлар 15 347 та ишни кўриб чиққан.

Жами кўрилган ишларга нисбатан олинадиган бўлса, энг кўп иш ҳажми ва иш юкчаси фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьяларига тўғри келиб, умумий ҳисобда 50 фоизга яқинини ташкил этмоқда.

Ушбу рақамларни ўртача ойлик иш ҳажмига нисбатан ҳисоблайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг бир судьяси бир ойда 181 та ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси 269 та, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса 163 та ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар 100 минг аҳолига Германияда 24 нафар судья тўғри келса, бу кўрсаткич Рос-

сияда 18, Қозоғистонда 16, Қирғизистонда 7-8, Тожикистонда 5 нафарни, Ўзбекистонда эса 3-4 нафарни ташкил этмоқда. Францияда 67,39 миллион аҳолига 8 минг нафар судья, Англияда 1 миллион аҳолига 200 нафардан кўпроқ судья, Италияда 101, Швецияда 100, Ҳиндистонда 21-22 нафар судьялар тўғри келмоқда.

Рақамлар ҳам шундан далолатки, судьяларнинг бугунги кундаги иш ҳажми ва иш юктамаси судда кўриладиган ишларнинг зич тайинланиши, процессуал муддат кетидан қувиб тез ўрганилиши ҳамда вақтли тўхтама келиши каби одил судлов сифатига таъсир қиладиган даражада кўпни ташкил этиб, уларнинг штатлар бирликлари аҳолининг сони ва суддаги иш ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланмаган. Ўз навбатида, судьяларга мос равишда суд аппарати ходимларининг штатлар бирлиги ҳам етарли даражада эмас.

Худудларнинг аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьяларнинг штатлар бирлиги белгиланиши, аввало, одил судлов сифатини яхшилаш, судьяларнинг иш ҳажми ва иш юктамасини камайтириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишига олиб келади.

— Бугунги кунда судларда тортишув муҳитини шакллантириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини такомиллаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмақда?

— Албатта, судларда ишларни юритишда тортишувчанлик принципи одил судловни таъминлашдаги асосий мезонлардан бири ҳисобланиб, амалда уни таъминлаш орқали

адолатли суд жараёнларига эришиш мумкин. Халқаро ҳужжатларда ҳам бу принципнинг нақадар муҳим эканлиги таъкидланиб келинади.

Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида айнан суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлаш мақсадида прокуратура органлари тизимида Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси ташкил этилиши унинг асосий вазифалари қилиб белгиланди.

Бунда Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходими ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органи ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади ҳамда унинг судда иштироки билан боғлиқ фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди. Энг муҳими, бу ислохот орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йилнинг 14 ноябрь куни одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда суд ишлари юритувида тарафлар тенглигини амалда таъминлаш мақсадида жиноят ишини айблов хулосаси ва ҳимоячи фикри билан бирга қабул қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши прокурорларнинг судлардаги иштироки самараси ва масъулиятини юксалтиришга, шунингдек, адвокатга қўшимча ҳимоя кафолатларини тақдим этишга, пировардида судларда тортишув муҳитини янада яхшилашга олиб келади.

— Биламизки, ўтган йилда кўп-лаб фуқаролар қуйи судлар қабул қилган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга бевосита шикоят билан келган. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда судлар қарорларидан қониқмаслик билан боғлиқ материаллар тез-тез учраб туради. Айтинг-чи, бугунги кунда Олий суд томонидан аҳолининг шикоятлари ҳал этилишига қай даражада эътибор қаратилаётир?

— Президентимиз раҳбарлигида судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда 2022 йилнинг январь — ноябрь ойларида 18 минг фуқаро вилоят судлари қабул қилган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга мурожаат этгани таъкидланди.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил давомида 22 минг нафардан зиёд фуқаролар бевосита вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан қабул қилинган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга мурожаат этган.

Шикоятларнинг асосий қисми жиноят ишлари бўйича судларнинг қарорлари юзасидан бўлиб, бундай фуқаролар 9 802 нафарни ташкил қилади. Кейинги ўринларда фуқаролик ишлари бўйича 6 387 та, ундан кейин

иқтисодий ишлар юзасидан 3 876 та ва маъмурий ишлар бўйича 2 343 та шикоят тушганини айтиш мумкин.

Процессуал тартибга риоя этилган шикоятлар тегишлилиги бўйича судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилган ва якуни бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган. Бугунги кунда Олий суд томонидан ҳар бир мурожаат алоҳида назоратга олинади, унинг ўз вақтида ҳал этилиши бўйича тегишли чоралар кўрилади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, судда икки тараф иштирок этади, натижада фақатгина бир томон ютади, иккинчи томон эса ютқазади ва табиийки, бундан норози бўлади. Демак, суд қароридан иштирокчиларнинг эллик фоизи рози бўлса, қолган иккинчи тенг ярми норози бўлиб қолади. Чунки судда тараф иккита, ҳақиқат эса битта бўлади.

Шундан келиб чиқиб, айрим вазиятларда суддан норози бўлган тараф ижтимоий тармоқларда чиқишлар орқали суд қарорларидан қониқмаслик билан боғлиқ материалларни ёритиб туради. Албатта, бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив томонлари мавжуд.

Тан олиш керак, амалиётда баъзи бир камчиликлар билан қарорлар қабул қилаётган судьялар ҳам йўқ эмас. Аммо суд қарорларининг сифат кўрсаткичи ва барқарорлиги даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган барча қарорларга нисбатан ҳам шикоят (протест) берилмайди.

Масалан, суд қарорларини юқори инстанцияларда қайта кўриш билан боғлиқ статистик рақамларга назар ташласак, 2022 йилда биринчи инс-

танция судлари томонидан жами 1 929 188 та иш кўриб чиқилган. Эътиборлиси, шикоят берилиши мумкин бўлган 1 756 116 та иш юзасидан фақатгина 60 283 таси бўйича апелляция шикояти (протести) берилган. Бу жами кўрилган ишларнинг 3,4 фоизини ташкил этади холос.

Кўриниб турганидек, суд қарорларининг сифат даражаси ва барқарорлик кўрсаткичи юқори бўлиб, суд қарорларидан норози қатлам, кўпчилик ўйлаётганидек катта аудиторияни ташкил этмайди.

Бунда масаланинг яна бир жиҳати ҳам эътибор беришимиз керак. Яъни фуқароларнинг судлардаги ортиқча оворагарчилигининг олдини олишда низоларни судгача ҳал этиш механизмларини амалиётда кенг қўллаш бўйича зарурий шарт-шароитларни яратиш муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, низоларни судгача кўриб чиқишнинг самарали усул ва механизмларини жорий қилишни бугунги кун амалиёти тақозо этмоқда.

Масалан, адвокатлар томонидан низоларни судгача ҳал этиш хизматларини янада кучайтириш, низоларни судгача ҳал қилиш механизмлари қўлланилиши лозим бўлган иш тоифаларини кўпайтириш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтиришга алоҳида урғу бериш керак, деб ҳисоблайман. Бу фуқароларнинг судлардаги ортиқча вақт, сарф-харажатларини тежашга ва энг муҳими, уларнинг ресурсларини сақлашга олиб келади.

— Судьялар одил судловни ҳар қандай таъсирларсиз фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишини, умуман, улар

фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслигини таъминлашга қаратилган қандай чоралар кўрилмоқда?

— Конституциямизда Ўзбекистонда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши каби муҳим нормалар белгилаб қўйилган.

Судьялар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги ва суд ҳокимиятининг мустақил иш юритиши, бу — демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ягона йўлидир.

Бу борада мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рейтинглари баҳоланганда, ҳар йили айнан судлар бошқа давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар таъсиридан холи эмаслиги таъкидланади. Жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индекси, Бошқарув сифати индикаторлари, Глобал рақобатбардошлик индекси каби рейтинг кўрсаткичларида бундай фикрларни учратиш мумкин.

Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилди.

Бунда ислоҳ қилиниши лозим бўлган масалаларнинг мазмуни аниқ ёритилиб, уларнинг моҳияти тўлиқ очиб

берилди. Хусусан, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кераклиги, шунингдек, одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартибини жорий этиш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда Жиноят кодексининг 236-моддасида тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Эндиликда давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан Жиноят кодексининг 236-моддасини қайта кўриб чиқиш ва уни миллий ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириш талаб этилади.

Фармонда назарда тутилган вазифаларни биз фақатгина жиноят қонунчилигини такомиллаштириш орқали тўлиқ бажаришга эриша олмаимиз. Шу билан бирга, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ишларига ҳар қандай аралашувлардан холи ишлаш учун шароитлар яратиб бериш асосий вазифаси этиб белгиланган Судьялар олий кенгашининг ваколатлари ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланган ҳолда судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шарт-шароит яратилиши лозим.

Бунда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик ҳолатларини бартараф этишга қаратилган амалий ва ташкилий таъсирчан ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишни бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

— Олий суд бугунги даврга мос фаолият юритиши учун яна нималарни амалга ошириши керак? Умуман, олдиндаги режаларингиз қандай?

— Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон — янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб қиляпти.

Айнан шу аснода давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 16 январда “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Бу тарихий ҳужжатга асосан мамлакатимизда илк бор 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Ушбу тарихий ҳужжат бизни кейинги тўрт йил ичидаги устувор йўналишларимиз ва амалга оширилаётган режаларимизни белгилаб берди. Ҳужжатга кўра, стратегиянинг асосий йўналишлари сифатида:

биринчидан, “Инсон қадрлари учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

иккинчидан, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс

суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;

учинчидан, фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятни яратиш, суд ишларини юритишда таърафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларини тўлиқ рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

тўртинчидан, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

бешинчидан, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш;

олтинчидан, давлат номидан суд қарорларини қабул қилаётган судлар ва судьяларга, шунингдек, уларнинг қарорларига нисбатан ҳар бир фуқарода, шу жумладан, барча даражадаги мансабдорларда ҳурмат руҳини шакллантириш;

еттинчидан, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

саккизинчидан, судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва

тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш каби асосий вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Фармонда давлатимиз раҳбари судья кадрларни тайёрлаш тизимидаги мавжуд муаммоларга эътибор қаратиб, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ғоясини илгари сурди.

Дарҳақиқат, суд тизимини чинакам “адолат кўрғони”га айлантиришда судья кадрларни тайёрлаш тизимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш лозим бўлади. Бунинг учун ҳозирги Судьялар олий мактабининг фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, таълим ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш, касбий фанлар ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёнини яратиш, шунингдек, тизимни бугунги кун талабларига уйғунлаштириш зарур.

Суҳбатимиз якунида шуни айтмоқчиманки, судлар халқимизнинг ишончини мустаҳкамлаш йўлида “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик ҳукмрон бўлиши керак” деган ҳаётий принципга қатъий риоя этган ҳолда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга бор куч-ғайратини сафарбар этиши лозим.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
суҳбатлашди.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2023 йил 8 февралдаги 26-сонидан олинди)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЛАНИБ БОРАЁТГАН СУД ҲОКИМИЯТИ

Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишининг муҳим шартлардан биридир.

Чунки инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари айнан адолатли ва мустақил суд томонидан ҳимоя қилинади.



Робахон МАХМУДОВА,
Олий суд раисининг
биринчи ўринбосари

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилиқ, суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув таъминини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбе-

кистон мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида **“Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислоҳотларимизни албатта, давом эттирамиз”**, деб таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга Президентимиз 2022 йил 20 де-

кабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага тўхталиб ўтиб, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилишини қайд этди.

Шу муносабат билан 2023 йил 16 январь куни Президентимизнинг **“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ва **“Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонлари қабул қилинди.

Мазкур тарихий ҳужжатларда суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини



таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Президентимизнинг **“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонига мувофиқ 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Стратегия Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини риво-

жлантиришнинг асосий мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, соҳага илғор халқаро стандартларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу Стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг 10 та йўналиши бўйича 28 та чора-тадбирлар белгилаб қўйилди.

Жумладан, уларга кўра, тергов устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида “Хабеас корпус” институти амалиётга янада кенгроқ жорий этилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, тараққий эт-

ган давлатларда жиноий таъқибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини «Хабеас-корпус» деб номлаш одат тусига кирган. “Хабеас-корпус” атамаси лотинчадан олинган бўлиб, “шахсни (судга) келтириш” деган маънони англатади. 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун – “Хабеас Корпус Акт” атамасидан олинган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур институтни миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йилдан бошлаб судга қадар иш юритиш босқичида жиноят содир этишда

гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи, 2012 йилдан бошлаб айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, 2014 йилдан эса, уй қамоғини белгилаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилган.

Бундан ташқари 2017 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан айрим қонунчилик ҳужжатларига, хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари ҳам судларга ўтказилди.

Шу сабабли Стратегияда келгусида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш, тарафларнинг ташаббусига кўра, тайинланган эҳтиёт чорасини суд томонидан юқори қийматда (жумла-

дан, етказилган зарарга нисбатан) гаров эҳтиёт чорасига алмаштириш тартибини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланди.

Маълумки, низоларни муқобил ҳал қилиш институтини ривожлантириш, яъни айрим тоифадаги ишларни судгача ва суддан ташқари ҳал қилиш механизмларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиация – тарафлар ихтиёрий розилиги билан низони ўзаро ҳал этиш жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда ҳам қадимдан бирон-бир оила ёки маҳаллада низо келиб чиқадиган бўлса, ўша маҳалланинг ёши улуг оқсоқол ва кайвонилари низолашаётган тарафларни инсофга чақириб, уларни яраштиришга, низони тинч йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилишган ва бу амалиёт ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Шу ўринда 2019 йил

1 январдан кучга кирган **“Медиация тўғрисида”**-ги қонун ушбу институтни амалиётга кенгроқ жорий этишга замин яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Таҳлилларга кўра, сўнгги 3 йилда фуқаролик судлари томонидан медиация тартиб-таомили қўлланилиб ва медиатив келишув бўйича кўрмасдан қолдирилган ишлар сони 16 баробарга ошган.

Медиацияни қўллаш низолашаётган тарафларнинг вақти ва ресурсларини тежаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, низо бўйича ўзаро мақбул ечим топишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фармонга асосан эндиликда самарали йўналиш сифатида низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида янада кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Хусусан, медиация институтини қўллаш доирасини кенгайтириш ва низоларни судгача ҳал қилиш механизмлари қўлланилиши лозим бўлган фуқаролик ишлари тоифасини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрланади.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни

таъминлаш учун “**Электрон одил судлов**” тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, шунингдек, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини кўрсатувчи “**Мадад**” нодавлат нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу боис илғор хорижий тажриба асосида, суд иш юритувида тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципини амалда таъминлаш имкониятлари яратилади.

Суд мажлисида тарафларга шахснинг айбли ёки айбсиз эканлигини исботлаш, далилларни тақдим қилиш учун тенг имкониятларни яратиш бўйича хорижий тажриба ўрганилади.

Бунда айбланувчининг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи амалда тўлиқ таъминланиши бўйича таъсирчан механизмлар яратиш ҳамда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар қайта кўриб чиқилиб, унинг ваколатлари кенгайтирилади, жумладан, шартнома асосида мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

Фармонга мувофиқ суд жараёнида айбловни фақат қонунга асосланиб, холис ва сифатли қувватлаш, суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда тергов ходимларининг амалий кўникмаларини оширишга кўмаклашиш мақсадида Бош прокуратура, вилоят, туман прокуратураларидаги тегишли бўлимлар Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси этиб белгиланмоқда.

Бунда Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходими судларда кўрилаётган ишлар бўйича айбловни (фуқаровий даъвони) қўллаб-қувватлаш, ўзгартириш ёки ундан воз кечиш, шу жумладан, Жиноят кодекси нормаларини қўллаш, жазо тури ва меъёрини белгилаш масалалари юзасидан фикрини судга баён қилишда мустақил бўлиб, қонун талабларига ва ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўз ишончига асосланади.

Яна бир муҳим масала, судьялар ихтисослашувини янада кенгайтириш мақсадида мураккаблигига кўра, ихтисослашувни талаб этадиган йўналишлар, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя

қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпуси шакллантирилади.

Бу эса, ушбу тоифадаги ишларни малакали судьялар томонидан сифатли кўрилишини ва ягона суд амалиёти шакллантирилишини таъминлайди.

Маълумки, давлат органлари қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилаётган маъмурий судлар фуқаролар, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширди.

Мисол учун 2017-2022 йилларда маъмурий судлар томонидан 87 мингдан ортиқ ариза (шикоят) кўриб чиқилиб, уларнинг 62 фоизи қаноатлантирилган. Жумладан, ҳокимларнинг 7,5 мингдан ортиқ қарорлари ноқонуний деб топилган ҳолда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Бугунги кунда давлат органлари билан муносабатларда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда

маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш айниқса, муҳимдир

Шунинг учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ҳамда хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Ушбу мақсадда жорий йил якунига қадар Маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Унда маъмурий суд иш юритуви принципларини кенгайтириш, маъмурий суд иш юритувига даъво институтини киритиш ва даъво турларини аниқ белгилаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилишда, етказилган зарарни ундириш тартибини аниқлаштириш,

маъмурий судлар фаолиятига ҳуқуқни бузилган фуқаро – аризачининг хоҳишига кўра, экстерриториал судловга тегишлилик механизмининг жорий этишни белгилаш назарда тутилмоқда.


Шунингдек, Фармон билан тасдиқланган Ҳаракатлар дастурида суд ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш, судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш, суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтириш чораларини кўриш каби муҳим чора-тадбирлар ҳам белгиланди

Албатта, ҳар қандай жамиятда адолат мезони – фуқароларининг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиниши қай даражада кафолатланганлиги билан

бевосита боғлиқдир. Адолат эса, фақат мустақил суд ҳокимияти томонидан таъминланади.

Бу борада Фармонда одил судлов фаолиятига ташқи ва ички тарафдан аралаштириш имкониятларини бартараф этиш чоралари кўзда тутилмоқда. Хусусан, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилди.

Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида, судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилади, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилади ва жиной жавобгар-



лик белгиланади. Хорижий амалиётга кўра, бундай нормалар Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия ва бошқа давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Амалиётда судга босим ўтказилаётгани, судьянинг дахлсизлигига таҳдид қилингани, судьянинг ишига аралашушга ҳаракат қилингани ҳақида хабарлар кенг муҳокама қилинса-да, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ҳолати бўйича юритилган жиноят ишлари ҳақида кенг жамоатчилик етарли даражада хабардор қилинмайди.

Шу муносабат билан одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартиби жорий этилиши белгилангани судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари Стратегияда келгуси йилларда ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьялик штат бирликлари сонини босқичма-босқич ошириб бориш мақсади белгиланди. Бу эса, аҳолининг одил судловга эришиш имкони-

ятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам яқин истиқболдаги устувор вазифалар бўлади.

Судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари, ваколатлари ва уларнинг фаолияти механизмларини тартибга солувчи **“Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьяларнинг роли ва ўрнини белгилаш мақсадида унинг бир қисмини судьялар томонидан сайлаш тартиби жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг **“Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонида одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш ҳамда айрим тоифадаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйи инстанция судларининг ўзида яқунлаш тартибини белгилаш, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тарафларни келиштириш ва медиация институтини кенг жорий этиш борасида асослан-тирилган таклифларни ишлаб чиқиш вазифалари ҳамда бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар белгиланди.

Ушбу янги механизмларни жорий этилиши натижасида иш юкламаси мақбуллаштирилган судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлашга эришиш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонларда белгиланган муҳим вазифаларни ҳаётга тадбиқ этилиши судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд ишларини юритишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг одил судловга эришиш имкони-ятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.



2023 йил 31 январь

№ РС-10-23

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддасига асосан Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2022 йил тўртинчи чорагида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанциясида 6 564 нафар шахсга нисбатан 5 913 та жиноят иши кўриб тамомланган бўлиб, шундан 4 440 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 72 нафар шахсга нисбатани бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилган, 1 159 нафар шахсга нисбатани бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилган, 534 нафар шахсга нисбатани ўзгартирилган, 359 нафар шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилган ва зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томони-

дан кассация инстанциясида 1 460 нафар шахсга нисбатан 1 412 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган бўлиб, шундан 356 нафар шахсга нисбатани бекор қилинган, 223 нафар шахсга нисбатани ўзгартирилган, 881 нафар шахсга нисбатани ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзгартирилган ёки бекор қилинган суд қарорлари таҳлили айрим судлар ишларни биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ёки процессуал қонун талабларини қўллашда хато ва камчиликларга йўл қўйганини, шунингдек, Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий тушунтиришларини инобатга олмаганини кўрсатмоқда.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг

тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот

учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда «Куч-адолатда» газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” - “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” — “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзори барча судья-

лар иштирокида ўрганиш мақсадида **2023 йил февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

суд амалиёти обзори вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ҳамда жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. Махмудова

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти ОБЗОРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2022 йил тўртинчи чорагида судлов ҳайъатининг кассация инстанциясида 6 564 нафар шахсга нисбатан 5 913 та жиноят иши кўриб чиқилиб, тамомланган, шундан суд ҳужжатларининг 4 440 нафар шахсга нисбатани ўзгаришсиз қолдирилган, 72 нафар шахсга нисбатани бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилган, 1 159 нафар шахсга нисбатани бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция

инстанция судида кўриш учун юборилган, 534 нафар шахсга нисбатани ўзгартирилган, 359 нафар шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилган ва зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан кассация инстанциясида 1 460 нафар шахсга нисбатан 1 412 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган бўлиб, шундан 356 нафар шахсга нисбатан бекор қилинган, 223 нафар шахсга нисбатани ўзгартирилган, 881 нафар шахсга нисбатани ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзгартирилган ёки бекор қилинган суд қарорлари таҳлили судлар ишларни биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ёки процессуал қонун талабларини қўллашда хато ва камчиликларга йўл қўйгани, шунингдек, Олий суд Пленуми қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларни инобатга олмаганини кўрсатмоқда.

1. Шахснинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилиниши суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тахиатош тумани судининг 2022 йил 27 январдаги ҳукмига кўра, А.У. ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 29 сентябрдаги ажрими

билан ҳукм ўзгартирилиб, А.У.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисмидан ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” бандига қайта квалификация қилинган ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмида илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят

содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилишига асос бўлиши кўрсатилган.

А.У.нинг Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2018 йил 5 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми "к" банди билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланганлиги унинг хавфли рецидивист эканини кўрсатади.

Хавфли рецидивист томонидан қасд-

дан баданга оғир шикаст етказилиши учун ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми "б" банди билан жавобгарлик белгиланган бўлиб, апелляция судлов ҳайъати А.У.нинг қилмишини нотўғри квалификация қилган.

Натижада кассация инстанциясининг 2022 йил 16 декабрдаги ажримига кўра, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

2. Техника воситалари ҳисобланмайдиган радарлар бўйича аниқланган қоидабузарликлар юзасидан ИИББ ЙҲХБ ходимлари томонидан тегишли тартибда баённома расмийлаштирилиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2022 йил 8 июлдаги қарорига кўра, С.Ж.га нисбатан чиқарилган Самарқанд вилояти ИИББ ЙҲХБнинг 2022 йил 16 июндаги жарима солиш тўғрисидаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 16 августдаги қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, ҳуқуқбузар С.Ж. "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлида белгиланган 70 км/соат тезлик чегараланган жойда 82 км/соат тезликда ҳаракатланган.

Иш ҳужжатларига кўра, С.Ж.нинг ҳаракати "Multiradar CD" воситаси орқали аниқланган бўлиб, ушбу восита мобил комплекс ҳисобланади.

Шу сабабли ушбу восита орқали аниқланган қоидабузарликни Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 975-сонли қарори билан тасдиқланган

"Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 6-бобида кўрсатилган "Кўчма фоторадар ва мобил комплекслардан фойдаланганда, ЙПХ ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан ҳаракат тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчини таништириши, унинг талаби билан мосламанинг сертификати (нусхаси) ни кўрсатиши лозимлиги, шунингдек, мазкур талабга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмаслиги ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармаслиги" ҳақидаги талаблар асосида амалга ошириш лозим.

Бироқ Самарқанд вилояти ИИББ ЙҲХБ инспектори томонидан ушбу талабларга риоя қилинмаганлиги биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судларининг эътиборидан четда қолган.

Натижада кассация инстанциясининг

2022 йил 14 октябрдаги қарорига кўра, шаҳар суди ва апелляция инстанциясининг қарорлари бекор қилиниб, С.Ж.

га оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатилган.

3. Шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда айбнинг шакллари муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро тумани судининг 2022 йил 13 майдаги ҳукмига кўра, З.С. ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган.

Бухоро вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 21 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, З.С. қудаси Н.Н. билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида Н.Н.ни қасддан итариб юборган ва натижасида у қўли билан бетонга йиқилиб, ўртача оғирликда тан жароҳати олган.

Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сонли қарори 22-бандида жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан

бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар ЖКнинг 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Аммо биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судлари Олий суд Пленумининг юқорида қайд этилган қароридagi тушунтиришларга риоя этмасдан, Н.Н.га етказилган ўртача оғирликда тан жароҳати эҳтиётсизликдан, яъни унинг қўли билан бетонга йиқилиши оқибатида келиб чиққанлигини инобатга олмасдан, З.С.нинг ҳаракатларини нотўғри квалификация қилган.

Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 6 октябрдаги ажримига кўра, З.С.нинг жинойи ҳаракатлари ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмидан ЖКнинг 111-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

4. Кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Жиноят ишлари бўйича Бувайда тумани судининг 2016 йил 23 сентябрдаги ҳукмига кўра, Д.Х. ва А.Б. ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан

маҳрум қилинган ҳолда 19 536 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 4 июндаги ажримига кўра, ҳукм ўзгартирилиб, Д.Х. ва А.Б. ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан

озод қилинган.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 11 июндаги ажрими билан апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан шу инстанцияда кўриш учун юборилган. Кассация ажримда апелляция инстанцияси ишни кўришда:

иш бўйича Д.Х. 461 нафар, А.Б. эса, 319 нафар фуқаровий даъвогарнинг манфаатига зарар етказгани қайд этилиб, жами 71 нафар фуқаровий даъвогарни сўроқ қилиш билан чеклангани;

ишда мавжуд қарама-қаршилик ва иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда юзлаштириш тергов ҳаракатларини ўтказиш, ҳолатга алоқадор гувоҳлар, фуқаровий даъвогарларни қўшимча сўроқ қилиш ва

бошқа важларни бартараф этиш қайд этилган.

Бироқ апелляция инстанция суди 2022 йил 22 июндаги ҳукми билан ЖПКнинг 509⁸-моддаси 3-қисмида кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги кўрсатилган бўлишига қарамасдан, тергов ҳаракатлари ўтказмасдан туриб, суд қарорларини бекор қилган.

Натижада Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 28 октябрдаги ажримига кўра, апелляция инстанциясининг ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

5. Суд қарори ёки суд мажлиси баённомаси имзоланмаганлиги жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 21 июндаги ҳукмига кўра, М.С.га ЖКнинг 113-моддаси 4-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2022 йил 2 августдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

ЖПКнинг 472-моддасида, ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг яққа ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолаши, 473-моддасида суд ҳукми имзолаганидан сўнг суд мажлиси залига қайтиб чиқиши ва раслик қилувчи ҳукмнинг қарор қисми эълон қилиши кўрсатилган.

Бироқ ушбу жиноят иши апелляция инстанциясида судьялар Д.Х., Б.Х. ва А.А. томонидан кўрилган бўлса-да, суднинг ажрими судьялар Б.Х. ва А.А. томонидан имзоланмаган.

Натижада Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 11 октябрдаги ажримига кўра, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2021 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, У.Т.га ЖКнинг 25, 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қи-

лиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 11 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

ЖПКнинг 426-моддасида суд мажлисининг баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланиши кўрсатилган.

Жиноят ишининг апелляция инстанциясида кўришда юритилган суд мажлиси баённомасига қараганда, 2021 йил 12 августдан 2021 йил 27 сентябрга

қадар бўлиб ўтган суд муҳокамаларида иш бўйича судья Ж.А., 2021 йил 30 сентябрдан эса, мазкур ишни кўришда судья Б.Ж. раислик қилган бўлиб, судья Ж.А. томонидан ўзи раислик қилган кунлари бўйича юритилган суд мажлиси баённомаси имзоланмаган.

Натижада Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 18 январдаги ажримига кўра, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

6. Қилмишнинг рецидив жиноят деб топилишида шахснинг олдин содир этган жинояти муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ишлари бўйича Булунғур тумани судининг 2018 йил 24 январдаги ҳукмига кўра, Ф.С.га ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “а” банди, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 59, 60-моддалари тартибида 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан у ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 27 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд томонидан Ф.С.ни ўта хавфли рецидивист деб топишга асос бўлган жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг 2013 йил 5 декабрдаги ҳукми жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар

суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 31 январдаги ажрими билан ўзгартирилиб, Ф.С.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “б” бандидан (ўта оғирдан) шу модда 2-қисми “а”, “б”, “в” бандларига (оғирга) қайта квалификация қилинган.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари суд қарори ўзгартирилганини текширмасдан судланувчини ўта хавфли рецидивист деб топиб, нотўғри хулосага келган.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 10 октябрдаги ажримига кўра, суд қарорларининг Ф.С.ни ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилиниб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.



2023 йил 31 январь

№ РС-09-23

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 3 487 та фуқаролик иши кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 2 885 таси (82,7 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирил-

ган, 438 таси (12,6 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 164 таси (4,7 фоизи) бўйича ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 438 та ишдан 48 таси янгидан кўриш учун юборилган, 286 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган, 82 та иш бўйича апелляция ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган, 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган, 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 911 тасини Тошкент шаҳар, 413 тасини Тошкент вилояти, 324 тасини Самарқанд вилояти, 251 тасини Қашқадарё вилояти, 244 тасини Фарғона вилояти, 187 тасини Бухоро вилояти, 178 тасини Хоразм вилояти, 164 тадан Андижон ва Сурхондарё вилоятлари, 162 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 156 тасини Наманган вилояти, 122 тасини Жиззах вилояти, 102 тасини Навоий вилояти, 88 тасини Сирдарё вилояти ва 19 тасини Ҳарбий суд, 2 тасини Олий судда кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 41 та иш бўйича хусусий ажрим чиқарилган, 33 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарнома юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар, оила билан (хусусан, никоҳдан ажратиш) боғлиқ низолар, қарз муносабатларидан келиб чиқадиган низолар, меҳнат ва уй-жой

(уйга киритиш, уйдан кўчириш ва бошқа) низолари билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибидан кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибидан кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч–адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллов), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эъ-

лон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2023 йил февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман ва шаҳар судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенг-

лаштирилган судларга, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Ҳ.Турахужаев зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. Махмудова

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти ОБЗОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 3 487 та фуқаролик ишлари кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 2 885 таси (82,7 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 438 таси (12,6 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 164 таси (4,7 фоизи) бўйича ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 438 та ишдан 48 таси янгидан кўриш учун қуйи судларга юборилган, 286 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган, 82 та иш бўйича апелляция ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган, 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган, 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, даъво ариза кўрмасдан қолди-

рилган.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 911 тасини Тошкент шаҳар, 413 тасини Тошкент вилояти, 324 тасини Самарқанд вилояти, 251 тасини Қашқадарё вилояти, 244 тасини Фарғона вилояти, 187 тасини Бухоро вилояти, 178 тасини Хоразм вилояти, 164 тадан Андижон ва Сурхондарё вилоятлари, 162 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 156 тасини Наманган вилояти, 122 тасини Жиззах вилояти, 102 тасини Навоий вилояти, 88 тасини Сирдарё вилояти ва 19 тасини Ҳарбий суд, 2 тасини Олий судда кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 41 та иш бўйича хусусий ажрим чиқарилган, 33 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарнома юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Ҳисобот даврида кредит шартномаларидан келиб чиқадиган, оила билан (хусусан, никоҳдан ажратиш) боғлиқ низолар, қарз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, меҳнат ва уй-жой (уйга киритиш, уйдан кўчириш ва бошқа) ни-

золари билан боғлиқ ишлар сони бир-мунча кўпайган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни

кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

1. Ходимга интизомий жазо чораси қўллаш муддати ва тартибларига риоя қилинмаган ҳолда (МКнинг 182-моддаси 5-қисми) бекор қилинганда меҳнат шартномасини бекор қилиниши ғайриқонуний деб топилади.

Даъвогар Меҳнат инспекцияси фуқаро А.нинг манфаатини кўзлаб, жавобгар — таълим муассасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, таълим муассаси директорининг 2022 йил 12 мартдаги буйруғини бекор қилиш, А.ни ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 8 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 9 августдаги ажрими билан суднинг ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 6 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, таълим муассаси директорининг 2022 йил 12 мартдаги буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинган ва А. юридик таъминлаш гуруҳи юрисконсулти лавозимига ишга тикланган. А. фойдасига иш ҳақи ва маънавий зарар, шунингдек, давлат фойдасига давлат божи ундириш белгиланган.

Иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлган (меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш) деб ҳисобланган А. томонидан таълим муассаси Устави, Ходимларнинг хизмат вазифалари тўғрисидаги Низоми, Педагогик кенгаш, Кураторлар кенгаши ҳамда кафедралар тўғрисидаги Низом лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни тайёрламасликдан иборат ножўя хатти-ҳаракатлари 2021 йилда содир этилган, аммо иш берувчи томонидан А.га ушбу хатти-ҳаракатлари учун бир йилдан сўнг интизомий жазо қўлланилиши қонун талабларига зид ҳисобланади.

Чунки Меҳнат кодексининг 182-моддаси бешинчи қисмига кўра, интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Шунга кўра, кассация инстанцияси суд қарорларини қисман бекор қилиб, даъвогарнинг ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун ҳақ ва маънавий зарар ундиришга доир талабини қисман қаноатлантиришни лозим топган.

2. Ишучунаҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ҳамда суд ишида иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала ҳал қилинганлиги суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогарлар 3. ва Э. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — туман ҳокимининг 2019 йил 28 февралдаги 413-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни, низодаги 2 ва 3-сонли намунавий уйлар жойлашган ер майдонида жавобгар — А. томонидан ноқонуний қурилган иморатларни ўз ҳисобидан буздиришни ҳамда ер майдонини бўшатиб бериш мажбуриятини юклашни сўрашган.

Суднинг 2022 йил 19 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 2 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 5 декабрдаги ажрими билан суд қарорларининг даъвогарлар — 3 ва Э.нинг жавобгар — А.га нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш ва ер майдонини бўшатиб бериш ҳақидаги талабини қаноатлантиришга оид қисми бекор қилиниб, даъвогарларнинг ушбу даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси ажримининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 28 февралдаги 413-сонли қарорига кўра, (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори асосида) жавобгар — А. номига рақамсиз уй-жойларнинг амалда фойдаланаётган 0,16 га ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод

эгаллик ҳуқуқи берилиб, унинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатларига мулк эгаллиги эътироф этилган.

Жавобгар — А. ўзига тегишли уйнинг ер майдонига қўшимча равишда ФВВ Марказий базасининг (кейинчалик захирага олиниб, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратилган) 0,72 га ер майдонини бир қисмини ўзбошимчалик билан қўшиб олган ва ушбу ер майдонида қурилмалар қуриб, туман ҳокимининг мазкур қарори асосида жами 0,16 га ер майдонига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини ҳамда ундаги ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларга нисбатан эгаллик ҳуқуқини олган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 13 июндаги 2022 ЕҮ-Ж-14/8-сонли ер участкасига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига кўра, жавобгар А.нинг 17-уй манзилида ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган 1600 кв.метр ер участкаси 16 300 000 сўм қийматида мулк ҳуқуқи берилган.

Шу боис судлов ҳайъати суднинг 2022 йил 19 августдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг 2022 йил 2 ноябрдаги ажримининг даъвогарлар — 3. ва Э.нинг жавобгар — А.га нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш ва ер майдонини бўшатиб бериш ҳақидаги талабларини қаноатлантиришга оид қисмини бекор қилиб, ушбу даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

3. Иш судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади. Судлар жавобгарларни низоли хонадон рўйхатидан чиқариш ҳақидаги даъво талабларни мазмунан кўриб чиқиб, хатоликка йўл қўйган.

Даъвогар — У. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар — З., Т., В. ва М.ларни низодаги 20-хонадондан рўйхатдан чиқариш ҳамда мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 16 июндаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 15 ноябрдаги ажрими билан суд қарорларининг даъвогар — У.нинг жавобгарлар — З., Т., В. ва М.ларни низодаги 20-хонадондан рўйхатдан чиқаришни рад этишга оид қисми бекор қилиниб, ушбу қисми бўйича иш юритишни тугатиш ҳақидаги янги қарор қабул қилинган, суд ҳужжатларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Амалдаги қонун талабларига кўра, фуқароларни уй-жой рўйхатига киритиш ҳамда чиқариш масаласи ички ишлар органларининг ваколатига киради, судлар фақат фуқароларни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги талабларни кўриши мумкин. Айнан шу талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори фуқароларни уй-жой рўйхатидан чиқариш учун асос бўлиши мумкинлиги боис, судлар жавобгарларни низоли хонадон рўйхатидан чиқариш ҳақидаги даъво талабларни мазмунан кўриб чиқиб, хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли кассация инстанцияси ушбу фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг жавобгарларни низоли хонадон рўйхатидан чиқариш ҳақидаги талабларига оид қисмини бекор қилишни ҳамда бу талаблар бўйича иш юритувни тугатишни лозим топган.

4. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига асос бўлади.

Даъвогар — М. жавобгар — Б.га нисбатан низодаги 32-хонадон юзасидан оғзаки тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суднинг 2022 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар М.нинг даъво талаби рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 17 июндаги ажримига асосан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, М.нинг даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, М. ва Б. ўртасида низодаги 32-хонадон бўйича тузилган олди-сотди битими ҳақиқий, деб топилган.

Даъвогар — М.дан жавобгар — Б.нинг

фойдасига низодаги 32-хонадонни сотиб олиш учун келишилган суммадан қолдиқ бўлган 3 293 722,22 сўм ундирилган.

Низодаги 32-хонадонга нисбатан М.нинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 30 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг 2022 йил 17 июндаги ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг 2022 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида улар имзолаган ёзма шаклдаги битим тузилмаган, мулкдорнинг ички ишлар органларида берган тушунтириши эса, кўчмас мулк олди-сотди битими ҳисобланмайди. Зеро, бундай битимнинг шаклига, хусусан, ёзма шаклига риоя қилмаслик уни ҳақиқий, деб ҳисоблашни инкор қилади.

5. Моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилгани суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар — Э. жавобгарлар — Касб-ҳунар мактаби ва Ф.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Касб-ҳунар мактабининг 2021 йил 21 октябрдаги К-182-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Суднинг 2021 йил 13 декабрдаги ҳал қилув қарори билан Э.нинг даъво талаблари рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 27 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси-

Жавобгар — Б. турли хил мазмундаги тушунтиришлар бергани боис, хонадон олди-сотдиси айнан кимлар ўртасида келишилганлигини аниқлаш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам қонунда бундай битимларни ёзма бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган, қонун талабига риоя этмаслик битим тузилганлиги ҳамда унинг шартлари бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Судлов ҳайъати низоли хонадонга оид оддий ёзма шаклдаги битим мавжуд эмаслигини инобатга олиб, тарафлар ўртасида ҳақиқатдан ҳам, битим тузилгани, унинг мазмуни ва шартлари тарафлар томонидан бажарилгани ўз тасдиғини топганлигини исботловчи далиллар мавжуд эмас, деб ҳисоблаб, биринчи инстанция судининг даъво аризани рад қилиш тўғрисидаги ҳулосаси билан тўлиқ келишган.

нинг 2022 йил 2 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, Касб-ҳунар мактабининг 2021 йил 1 апрелдаги 01-098-сонли хати асосида даъвогар — Э. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига асосан бекор қилиниши ҳақида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилган, бироқ бу вақтда даъвогар — Э. пенсия ёшига тўлмаган.

Меҳнат кодексининг 102-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, ходим

пенсия ёшига тўлганидан сўнггина иш берувчи ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида огоҳлантириши мумкинлиги, бунда огоҳлантириш муддати ходим пенсия ёшига тўлгунга қадар эмас, балки тўлганидан сўнг ҳисобланиши белгиланган, ушбу нормани кенгайтирилган ҳолда талқин этишга йўл қўйилмайди.

Аммо иш берувчи — Касб-ҳунар мактаби даъвогар — Э. пенсия ёшига тўлмаган ҳолда у билан меҳнат шартномасини бе-

кор қилиш ҳақида огоҳлантириб, юқорида қайд этилган тартиб-таомилни бузган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилган.

Шу боис судлов ҳайъати Фуқаролик процессуал кодексининг 419-моддаси иккинчи бандига биноан, ушбу низо бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини юқорида келтирилган асослар бўйича бекор қилиб, даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилган.



2023 йил 31 январь

№ РС-11-23

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддасига асосан Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъатининг 2022 йил тўртинчи чорагидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 207 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 813 та кассация шикояти (протести) келиб тушган. Улардан 227 таси қайтарилган, 20 таси қабул қилиш рад этилган. 422 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 265 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 14 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, 143 та суд ҳужжати эса бекор қилинган. Шундан 64 та иш бўйича қа-

бул қилинган суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 38 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 36 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 2 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 3 таси бўйича иш юртиш тугатилган.

Таҳлиллардан кўринишича, айрим судлар томонидан моддий ва процесуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши суд қарорларини бекор қилинишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

обзори маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосу-

дие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзорини “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган иқтисодий судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2023 йил февраль ойида** видеоконфе-

ренцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларига амалиётда фойдаланиш, ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Полванов зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. Махмудова

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

ОБЗОРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддасига асосан Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил тўртинчи чорагидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 207 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 813 та кассация шикояти (протести) келиб тушган. Улардан 227 та шикоят қайтарилган, 20 та шикоятни қабул қилиш рад этилган. 422 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 265 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 14 та суд ҳужжати ўзгартирилган, 143

таси эса, бекор қилинган. Шундан 64 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 38 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 36 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 2 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 3 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

1. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Вакилнинг ИПКнинг 63-моддасида кўрсатилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари у қайси шахс томонидан вакил қилинаётган бўлса, ўша шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) “А.” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва “Б.” МЧЖдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 867 051 000 сўм асосий қарз

ва 424 854 990 сўм пеня ундиришни сўраган.

Шунингдек, Палата судга қўшимча даъво аризаси тақдим этиб, жавобгардан 1 383 470 700 сўмлик “№30/1 КСД” калава ип маҳсулотини 32 514 кило миқдорда натура шаклида ҳамда 691 735 350 сўм пеня ва 276 369 000 сўм зарарни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Палатанинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Палатанинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ишни кассация инстанцияси судида кўриш жараёнида қуйи судлар томонидан Палатанинг қўшимча даъво аризасида билдирилган талаблар муҳокама қилиниб, қарорлар қабул қилингани аниқланган.

Бироқ Палатанинг қўшимча даъво аризаси Палата бошқарма бошлиғининг ўринбосари томонидан имзоланган бўлса-да, унинг бунга ваколоти борлигини тасдиқловчи ҳужжат судга тақдим этилмаган. Ваҳоланки, ИПКнинг 63-моддасига кўра, вакилга берилган даъво аризасини имзолаш ҳуқуқи у қайси шахс томонидан вакил қилинаётган бўлса, ўша шахс берган ишончномада махсус

назарда тутилган бўлиши керак.

Палатанинг қўшимча даъво аризасида дастлабки даъво аризасида кўрсатилмаган, яъни маҳсулотни натура шаклида ва зарар ундириш талаблари билдирилган бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан ушбу қўшимча талаблар муҳокама қилинган, дастлабки даъво аризасидаги талаблар муҳокама қилинмаган. Бунинг оқибатида, биринчи инстанция суди томонидан дастлабки даъво аризасида билдирилган даъво талаблари бўйича қарор қабул қилинмаган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди томонидан Палатанинг қўшимча даъво аризаси иш юритишга қабул қилингани тўғрисида ажрим чиқарилмаган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Шунинг учун кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақида қарор қабул қилган.

2. Суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса, у етказиб берилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши даъвогар — “А.” фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилган ва жавобгар — Вазирлик ҳузуридаги агентлик ҳисобидан 240 000 000 сўм субсидия маблағини ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажри-

ми билан даъво аризаси ИПКнинг 107-моддаси 6-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган, даъвогардан 4 800 000 сўм давлат божи ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ажримнинг даъвогардан 4 800 000 сўм давлат божи ундириш қисми бекор қилинган ва ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришжараёнида даъво аризасида даъвогарнинг почта манзили Уйруғул қишлоғи эканлиги кўрсатилган бўлса-да, суднинг даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими “Гибрид почта” орқали “Сазаған” қишлоқ фуқаролар йиғини, Уйруғул қишлоғига юборилгани аниқланган.

Шунингдек, суднинг юқоридаги ажрими “Гибрид почта” орқали Кенгашнинг “Кўксарой” 1-уй манзилига юборилган бўлиб, почта курьерининг “Гибрид почта” тизимига киритган маълумотида қабул қилиб олувчи ушбу манзилда яшамаслиги қайд этилган. Ваҳоланки, Кенгашнинг манзили “Кўксарой” 1-уй бўлиб, ушбу манзил ўзгармаган ҳамда кейинчалик юборилган суд ажримлари Кенгаш томонидан қабул қилиб олинган.

ИПКнинг 128-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбошисига кўра, суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса, у етказиб берилган деб ҳисобланади.

ИПКнинг 170-моддаси иккинчи

қисмида иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Биринчи инстанция суди томонидан суднинг даъво аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими Кенгаш ва даъвогарнинг почта манзилига “Гибрид почта” орқали етказилмагани оқибатида, ушбу шахслар суд мажлиси бўлиши ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор этилмаган.

Бунинг натижасида биринчи инстанция суди томонидан даъвогарларнинг процессуал ҳуқуқлари бузилган ва ИПКнинг 107-моддаси 6-бандига асосан (даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаганлиги асоси билан) даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида хулосага келиб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу ҳолатларни тўлиқ текширмасдан, суд ажримини ўзгаришсиз қолдирган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақида қарор қабул қилган.

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

3. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида талаб қўйилганда, битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги асоси билан бундай талабни қаноатлантиришни рад этиш мумкин эмас.

Даъвогар — “А.” банк жавобгарлар — “Б.” МЧЖ, “В.” банк, “Г.” МЧЖ ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги сабабли мазкур шартномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг қарори билан жавобгар — “Б.” МЧЖга жами 6 000 квадрат метр ер майдонини автопарк қуриш учун ажратиб берилган.

Даъвогар ва жавобгар — “Б.” МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра, даъвогар томонидан жавобгарга 36 ойга, 6 ой имтиёзли давр билан йиллик 25 фоиз устама тўлаш шarti билан автотранспорт воситасини сотиб олиш учун 750 000 000 сўм миқдоридан кредит ажратилган.

Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида даъвогар ва жавобгар — “Б.” МЧЖ (ипотекага қўювчи) ўртасида тузилган ипотека шартномасига асосан унга тегишли 6 000 квадрат метр (қурилиш майдони 299,51 квадрат метр, фойдаланиш майдони 454,98 квадрат метр) дан иборат маъмурий бино ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан гаровга қўйилган ва гаровдаги мулкнинг баҳоси тарафлар-

нинг келишувига кўра, 937 500 000 сўмга баҳоланган.

Бироқ муқаддам тузилган шартномага асосан жавобгарга тегишли маъмурий бино фуқаро “Д.”га ҳадя тариқасида ўтказилган ва ҳадя шартномаси нотариал тартибда тасдиқланган.

Шундан сўнг банк (ипотекага олувчи), МЧЖ. (қарз олувчи) фуқаро “Д.” (ипотекага қўювчи) ўртасида тузилган ипотека шартномасига асосан низоли бино-иншоотлар банк ва МЧЖ ўртасида кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида банкка гаровга тақдим этилган ҳамда нотариус томонидан тасдиқланган.

Кейинчалик ҳадя шартномаси бекор қилинган ва нотариус томонидан нотурар жой ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишув расмийлаштирилган.

Шунга кўра, ипотека шартномасига ўзгартириш киритилган ва юқоридаги кўчмас мулк банкка гаров воситаси сифатида тақдим қилиниши белгиланган.

Даъвогар тузилган ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтмаганлиги сабабли шартномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган. Ишни судда кўриш жараёнида ушбу шартнома ҳали давлат рўйхатидан ўтказилмагани аниқланган.

ФКнинг 111-моддаси биринчи қисмида ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклиги, ФКнинг 112-моддасида битимнинг

нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши, бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги, ФКнинг 113-моддаси биринчи қисмида эса, битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низол битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим) белгиланган.

Бундан ташқари ФКнинг 271-моддаси олтинчи қисмига кўра, ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулкка доир битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Худди шундай меъёр “Ипотека тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28-ноябрдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сонли қарори 6-бандида ФКнинг 113-моддаси

биринчи қисмига мувофиқ, битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас, деб топганлиги сабабли ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, у ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши, бунда судлар ФК ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво бериш имкониятини истисно этмаслигини инобатга олиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган. Яъни ушбу ҳолатда, шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаса ҳам, суд уни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Бироқ қуйи инстанция судлари ушбу тушунтиришларни инобатга олмасдан, ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтмаганлиги, яъни у ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини асос қилиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шунинг учун кассация инстанцияси суд ҳужжатининг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қисмини бекор қилиб, ипотека шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида қарор қабул қилган.

4. Агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетса, битимдаги иккинчи тараф ушбу чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

“А.” банкнинг Банк хизматлари маркази ва “Б.” МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра, Банк қарз олувчига

12 ой муддатга, йиллик 28 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 400 000 000 сўм миқдорда кредит маблағи ажратиш,

қарз олувчи эса, тўлов жадвали асосида кредит ва фоиз тўловларини амалга ошириб бориш мажбуриятини олган.

Мазкур кредит шартномаси бўйича қарз олувчининг мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида Банк, қарз олувчи ва “В.” МЧЖ ўртасида гаров (ипотека) шартномаси тузилиб, нотариус томонидан тасдиқланган. Унга кўра, гаровга қўювчига тегишли бўлган кўчмас мулклар гаровга қўйилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси “Г.” банк манфаатини кўзлаб, гаровга қўювчи, Банк ва қарз олувчига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Банк ва гаровга қўювчи ўртасида тузилган ипотека шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Палата ўз даъво аризасида гаров (ипотека) шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш учун даъвогарнинг филиали ва гаровга қўювчи ўртасида кредит шартномасининг 3.5 ва 3.6-бандларида кўчмас мулклар жойлашган ҳудуддаги 2 дона коттедж иморатлари кредит ҳисобига қурилиши якунланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган куни гаровга тақдим этиш белгилангани, 3.9-бандида эса, гаровга қўювчи гаров мулкни бошқа шахсларнинг кредити таъминоти учун гаров сифатида тақдим қилиши мумкин эмаслиги қайд этилгани, бироқ гаровга қўювчи кредит шартномасидаги мажбуриятларини қўпол равишда бузиб, даъвогарнинг розилигини олмасдан, Банк ва қарз олувчи ўртасидаги кредит шартномаси бўйича қарз олувчининг мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида 2 дона коттедж иморатларини гаровга тақдим этганини асос қилиб кўрсатган.

ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартно-

ма ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетса, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 269-сонли қарори 17-бандида битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Даъвогарнинг филиали ва гаровга қўювчи ўртасида тузилган кредит шартномасида гаровга қўювчи гаров мулкни бошқа шахсларнинг кредити таъминоти учун гаров сифатида тақдим қилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги чеклашни Банк билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги ҳолатини Палата ва даъвогар исботлаб бермаган.

Шунинг учун биринчи инстанция суди асосли равишда даъвони қаноатлантиришни рад этган.

Апелляция инстанцияси суди эса, ушбу

ҳолатга эътибор бермасдан, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шунинг учун кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

5. Мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация).

Даъвогар — “А.” МЧЖ ва жавобгар — “Б.” акциядорлик жамияти ўртасида тузилган кўчмас мулкни сотиш шартномасига кўра, жавобгар ўзига тегишли бўлган К. шахрида жойлашган умумий ер майдони 77 769,45 квадрат метрдан иборат бино-иншоотлари ҳамда К. туманида жойлашган умумий ер майдони 34 866,66 квадрат метр-ни ташкил этувчи бино-иншоотларини мулкий мажмуа сифатида беш иш кун ичида сотиб олувчига объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топшириш, сотиб олувчи эса, ушбу объектни қабул қилиб олиш ҳамда объектнинг баҳосини белгиланган тартиб ва муддатларда сотувчига тўлаш мажбуриятини олган.

Бироқ далолатнома расмийлаштирилган бўлса-да, жавобгар томонидан объект амалда тўлиқ бўшатиб берилмаган ва объектнинг бир қисмидан фойдаланиб келган.

Шу боис даъвогар жавобгарга талабнома юбориб, беш кун муддат ичида объектни ишчи-ходимлар билан бирга-ликда бўшатиб беришни сўраган. Аммо жавобгар ушбу талабномани оқибатсиз қолдирган, объектни даъвогарга бўшатиб бериш чорасини кўрмаган.

Шундан сўнг даъвогар иқтисодий

судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарни ўзига тегишли бино-иншоотлардан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

ФКнинг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

ФКнинг 228-моддасида мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақлилиги (виндикация) белгиланган.

Биринчи инстанция суди моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаган ҳолда даъвони қаноатлантириш ҳақида асослантирилган ва қонуний қарор қабул қилган. Бироқ апелляция инстанцияси суди даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ноқонуний тўхтамга келган.

Шунинг учун кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

6. Қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс фақат мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаган ҳолдагина, жавобгар бўлиши мумкин.

Аризачи — Давлат қўмитаси томонидан жавобгар — “А.” МЧЖга берилган кондан фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи “TV” серияли лицензияга кўра, жавобгар бир йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмини 135 000 м³га бажарилишини таъминлаши, ишлаб чиқариш ҳудудида яшовчи аҳоли учун 24 та иш ўрни ташкил этиши лозим бўлган.

Назорат қилиш инспекциясининг буйруғига асосан жавобгар фаолиятини текшириш натижалари бўйича тузилган далолатномада жавобгар томонидан 2019 йилда қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажми 45 000 м³, 2020 йилда 10 000 м³, 2021 йилнинг 9 ойи ҳолатига кўра, 2 000 м³ ни ташкил қилгани, 2 та иш ўрни яратилганлиги ҳамда лицензия шартлари бажарилмагани қайд этилган.

Шундан сўнг аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга берилган лицензияни бекор қилишни сўраган.

Бироқ аризачи томонидан жавобгарнинг лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузилгани, ушбу қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда

атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келгани, йўл қўйилган қоидабузарликлар тизимли тавсифга эга эканлиги исботлаб берилмаган.

Қуйи судлар томонидан эса, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан, аризани қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган ва тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, жавобгар ҳам фаолиятини тўхта-тиб туришига мажбур бўлган.

Лицензиянинг IV иловаси жавобгар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганда мазкур шартларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик юзасидан жавобгарликдан озод қилиниши кўрсатилган.

Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 8-сонли қарори 4-бандида ФКнинг 333-моддаси учинчи қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбу-

риятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс фақат мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаган ҳолдагина, жавобгар бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати 2020 йилда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган махсус чоралар (карантин) туфайли жавобгар ўз мажбуриятини бажара олмаган, деб ҳисоблаган.

Текшириш далолатномасида жавобгар 2021 йилнинг 9 ойи давомида 2 000 м³ фойдали қазилма қазиб олгани қайд этилган бўлса-да, ҳақиқатда жавобгар томонидан 2021 йил якуни бўйича 101 500 м³ фойдали қазилма қазиб олиниб,

йиллик 135 000 м³ ҳажмдан фақатгина 33 500 м³ кам қазилган.

Шунингдек, мажбурият бажарилишининг аниқ муддати кўрсатилмаган бўлса-да, вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотномада, жавобгар томонидан 2022 йил ноябрь ойига қадар жами 25 та иш ўрни яратилганлиги қайд этилган. Яъни жавобгар иш ўрни яратиш бўйича ўз мажбуриятини бажарган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати жавобгар ўз фаолиятини ривожлантириб борганлиги унинг даъво аризасида кўрсатилмаган, яъни 2022 йилнинг 11 ойида 270 000 м³ қазилма қазиб олганлигини ҳам қайд этишни лозим топган.

Шунинг учун кассация инстанцияси судининг қарори билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, аризачининг аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.



2023 йил 31 январь

№ РС-08-23

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 29-моддасига асосан Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2022 йил тўртинчи чорагида Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кассация шикоятлари (протестлари) асосида 374 та иш кўрилган бўлиб, шундан 271 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 96 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 2 та иш бўйича

кассация шикоятлари кўрмасдан қолдирилган, 3 та иш юзасидан кассация шикоятлари бўйича иш юритиш тугатилган.

Таҳлиллардан кўринишича, айрим судлар томонидан моддий ва процесуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши суд қарорларини бекор қилинишига олиб келмоқда.

Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳри-

рияти (К. Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж. Умаров) суд амалиёти обзорини “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (У. Холов) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорида барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2023 йил февраль ойида** видео-конференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

суд амалиёти обзорида вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий суд-

лар ҳамда туманларо маъмурий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судларга, туманларо маъмурий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. Махмудова

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти ОБЗОРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 29-моддаси, Олий суд Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2022 йилнинг тўртинчи чорагида Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кассация шикоятлари (протестлари) асосида 374 та иш кўрил-

ган бўлиб, шундан 271 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 96 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 2 та иш бўйича кассация шикоятлари кўрмасдан қолдирилган, 3 та иш юзасидан кассация шикоятлари бўйича иш юритиш тугатилган.

Таҳлиллардан кўринишича, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши суд қарорларини бекор қилинишига олиб келмоқда.

Биринчи ва апелляция инстанциялари судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилингани масаласини аниқлашда хатоликка йўл қўйилгани суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 11 июлдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 20 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, туман прокурорининг “А.”нинг фойдаланишида бўлган 0,66 гектар ерда қурилган уй-жойга унинг мулк ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги 2019 йил 2 ноябрдаги 3333-Қ-сонли туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси МСИЮтКнинг 186-моддасида белгиланган уч ойлик муддат ўтказиб юборилгани сабаб-

ли рад этилган.

МСИЮтКнинг 186-моддаси 1-қисмига кўра, агар ушбу кодекс ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий орган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин.

Судлар томонидан прокуратура органининг туман ҳокимининг низолашилган қарори ҳақида ўз вақтида хабардор бўлганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги, фуқаро “Б.” қонунга хилоф равишда фермер хўжалигига ажратилган, суғориладиган ер майдонининг 0,16 га қисмини 6 000 АҚШ доллари-га фуқаро “В.” ва бошқаларга сотганлиги бўйича 2022 йил 17 май куни Жиноят кодексининг 168-моддаси тўртинчи қисми

“а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратураси томонидан ўрганилганда низолашилган қарор ҳақида маълум бўлгани инobatга олинмаган.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 10 октябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, прокурор томонидан судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилмаган деб топилган ва аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

2. Ариза имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги суд қарорларини бекор қилиб, аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлади.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 17 августдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А.” МЧЖнинг Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг 2021 йил 18 сентябрдаги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 18 апрелдаги қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ариза-сини қаноатлантириш рад этилган.

Ишни кассация инстанциясида кўриш вақтида аниқланишича, туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарори билан Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг аризасига асосан “А.” МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб “Б.”, келгусида суднинг 2022 йил 25 майдаги ажрими би-

лан унинг ўрнига “В.” тайинланган.

Бироқ “А.” МЧЖнинг аризаси, ишонч-номалари ва маъмурий судга йўлланган бошқа мурожаатлари жамият раҳбари сифатида “Г.” томонидан имзоланган бўлиб, судлар томонидан юқоридаги ҳолатларга эътибор қаратилмаган.

Ваҳоланки, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 144-моддаси биринчи қисмига кўра, тугатиш бошқарувчиси тайинланган кундан эътиборан унга қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар ўтиши, шунингдек, судга даъволар тақдим этиш ваколати ҳам белгиланган.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 28 октябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

3. Судлар томонидан низо предмети бўйича манфаатдор шахсларнинг доираси аниқланмасдан тегишли учинчи шахслар ишга жалб қилинмагани суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий суднинг 2021 йил 13 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, туман прокурорининг давлат ва жамият манфаатини кўзлаб, туман ҳокимининг 2021 йил 3 майдаги 351-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Низолашилган қарор билан “А.” МЧЖ-га тумандаги “Саримой” ва “Нукус” МФЙ биноларини қуриб бериш эвазига, туманнинг “Обод”, “Фарҳод” ва “Шўрчи” маҳаллалари ҳудудида ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва якка тартибда турар жой биноларини қуриш учун 4,32 га ер майдони ажратилган.

2021 йил 17 сентябрдаги нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига кўра, “А.” МЧЖ томонидан туманнинг “Обод” маҳалласи, “Гулбоғ” кўчасида жойлашган 205/4-рақамли қурилиши тугалланмаган турар жой пойдевори фуқаро “Б.”га сотилган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан “Б.” учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинмасдан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатадиган ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 11 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

4. Солиқ кодексининг 244-моддасида назарда тутилган “улушларни реализация қилиш” тушунчаси қандай мақсад кўзланиши ва амалга ошириш шаклидан қатъи назар, бир корхона ўзига тегишли бўлган улушни иккинчи корхонага ўтказишни қамраб олади ва бундай операцияларни амалга оширишда қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисобланмайди.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 22 июндаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий суднинг 2022 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А.” МЧЖнинг вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 15 январдаги 20/5-00358-сонли қарорининг 2020 йил учун қўшимча ҳисобланган 908 096,7 минг сўм ҚҚСга оид қисмини ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 22 февралдаги 17-28-сонли қарорини тўлиқ ҳақиқий

эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган солиқ аудити натижасида “А.” МЧЖ ўзининг “Б.” акциядорлик жамияти олдидаги кредитор қарздорлигини қоплаш мақсадида “В.” МЧЖ устав фондидаги 6 051 010,8 минг сўмлик улушини ҚҚСсиз номинал қийматда “Б.” акциядорлик жамиятига ўтказгани аниқланиб, ушбу суммадан 908 096,7 минг сўм қўшимча ҚҚС

ҳисобланган.

ҚҚСдан озод этилган молиявий хизматлар таркиби Солиқ кодексининг 244-моддасида белгиланган бўлиб, ушбу модда биринчи қисми 3-бандига асосан юридик шахсларнинг устав фондидаги улушларни реализация қилиш ҳам молиявий хизматлар сифатида ҚҚС солишдан озод этилган.

Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 29 майда 2460-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган ҚҚСдан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 7-бандига кўра, юридик шахсларнинг устав фон-

дидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш бўйича операцияларга юридик шахс томонидан ҳисса, улуш, пайлар каби ўз инвестициявий активларини бошқа юридик шахснинг устав фондига (капиталига) реализация қилиши тааллуқлидир.

Бироқ қуйи инстанция судлари юқорида кўрсатилган тартибда устав фондидаги улушни ўтказганлик молиявий хизмат ҳисобланмаслиги ҳақида нотўғри хулосага келганлар.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 27 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

5. Сотувчи Солиқ кодексининг 283-моддасига мувофиқ якуний истеъмолчига сотилган маҳсулотлар учун акциз солиғини тўлашдан озод этилмайди.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 7 июлдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий суднинг 2022 йил 15 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг аризачи — “А.” МЧЖ манфаатини кўзлаб, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 22 мартдаги 4066-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Низолашилган қарор билан жамиятнинг 2020 йил ҳамда 2021 йил январь-октябрь ойлари фаолияти бўйича қўшимча тўловга ҳисобланган 7 772 050,1 минг сўмни 30 кунлик муддатда ихтиёрий тўлаб бериш белгиланган.

Қуйи судлар ёқилғи қуйиш маҳсулотлари жисмоний шахсларга эмас, балки юридик шахсларга сотилганлиги, бу эса,

ёқилғини сотиб олган юридик шахслар томонидан ушбу маҳсулот реализация қилинганлигини англатади, деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Солиқ кодексининг 283-моддаси биринчи қисми 3-бандига кўра, бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали, шунингдек, газни газ тўлдириш станциялари ва газ тўлдириш пунктлари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар акциз солиғини тўловчилар, деб эътироф этилади. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда, ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Камерал солиқ текширувида “А.” МЧЖ-дан нефт сотиб олувчи корхоналар томонидан нефт маҳсулотлари кейинги харидорларга сотилмаганлиги аниқланган. Натижада 7 772 050,1 минг сўм миқдоридида акциз солиғи ҳисобланмасдан қолган, чунки “А.” МЧЖ томонидан реализация қилинган ёқилғи маҳсулотлари бўйича расмийлаштирилган ҳисобва-

рақ-фактураларида акциз солиғи кўрсатилмаган. Қуйи инстанция судлари томонидан эса, бу ҳолатларга нотўғри баҳо берилган.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 20 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

6. Жамият устав фондини оширишда ушбу суммалар Солиқ кодексининг 304-моддасига асосан даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 30 ноябрдаги қарори билан ўзгартирилган туманлараро маъмурий суднинг 2021 йил 12 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А.” МЧЖнинг шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 2021 йил 22 мартдаги 115-сонли қарорини ҳақиқий эмас, жамиятга нисбатан 2020 йил январь-декабрь ойлари учун 9 832,4 минг сўм миқдоридидаги айланмадан олинган солиқ ҳисобланиши билан боғлиқ ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

“А.” МЧЖ таъсисчиларининг 2020 йил 28 январдаги 5-сонли баённомаси билан жамият устав фондини учинчи шахсларнинг улушлари ҳисобига ошириш ҳақида қарор қабул қилинган ва улушлар йил якунига қадар киритилиши белгиланиб, жамият иштирокчилари таркибига кириш истагини билдирган шахслар жамият устав фондига улуш сифатида 2020 йил мобайнида 491 620,0 минг сўм маблағ киритган.

Жамиятнинг устав фонди тўлиқ шакллантирилгач, таъсисчиларнинг 2021 йил 25 январдаги умумий йиғилиш қарори билан устав фондини 500 620,0 минг сўм миқдоригача ошириш ҳақида

қарор қабул қилинган ва шаҳар Давлат хизматлари марказидан 2021 йил 22 февралда қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандида ҳам қайта устав фонди миқдори оширилганда, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан тўлиқ миқдордаги ҳиссалар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши белгиланган.

Солиқ кодексининг 304-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса тарзида олинган маблағлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

Қуйи инстанция судлари томонидан

устав фонди оширилиши ҳисобига маблағлар тўлиқ киритилгунга қадар бу ўзгартиришлар қайта рўйхатдан ўтказилмаслиги, балки улушлар тўлиқ киритилгандан кейин таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар қайта рўйхатдан ўтказилиши, ўз навбатида, аризачи томонидан ушбу тартибга

риоя этилганлигига қарамасдан, солиқ органи томонидан унга нисбатан солиқ ҳисобланганига эътибор қаратилмаган.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 9 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

БОШҚА МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

7. Тендер савдоси натижалари эълон қилинмасдан туриб, буюртмачи томонидан бекор қилинганда, ғолибга акцепт юборилмайди.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 15 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий суднинг 2022 йил 18 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А.” давлат муассасасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси махсус комиссиясининг 2022 йил 25 январдаги 04/01-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

“А.” давлат муассасаси томонидан 2021 йил 30 ноябрда “tender.mc.uz” электрон ахборот портали орқали 16004-сонли лотга “Тўдакўл” ҳудудидаги “В.” фермер хўжалиги ерларини фойдаланишга киритиш мақсадида 5 километр канал, 5 километр коллектор қуриш ва 1 дона насос агрегати ўрнатиш объекти бўйича эълон берилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сонли қарори билан тасдиқланган “Қурилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги вақтинчалик Низомга (2022 йил 1 февралга қадар амалда бўлган) асосан буюртмачи тан-

лов ғолиби аниқланган пайдан бошлаб ғолиб ташкилотга икки иш куни ичида танлов яқунларига кўра, акцепт юбориши лозим.

Буюртмачи ғолиб бўлган танлов таклифи акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳақда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.

Шу тартибда Қурилиш вазирлигининг (танлов ташкилотчиси) 2022 йил 28 апрелдаги 15-07/4643-сонли хатида вақтинчалик Низомнинг 50-бандига мувофиқ, 16004-лот рақами билан ўтказилган тендер савдоси натижалари эълон қилинмасдан буюртмачи томонидан бекор қилинганлиги кўрсатилган.

Бироқ қуйи инстанция судлари томонидан ушбу ҳолатлар инobatга олинмасдан, аризани рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 17 октябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

8. Уй-жой кодексининг 80-моддаси талаблари инобатга олинмасдан хизмат уй-жойига кўчиб кириш ҳақидаги ордерни бекор қилиш мумкин эмас.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 17 июндаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий суднинг 2022 йил 18 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А.”нинг шаҳар ҳокимининг 2022 йил 18 мартдаги 58-8-215-Q/22-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Шаҳар ҳокимининг 2008 йил 27 майдаги 530-сонли қарори ва 2008 йил 5 июндаги 05-11/141-сонли хизмат уйига кириш ҳақидаги ордери асосан шаҳар 3-кичик даҳа, 4-уй, 55-хонадон Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси “Б.” номига расмийлаштирилган.

“Б.” ва “А.” 2003 йил 11 августда никоҳдан ўтган, биргаликдаги турмушларидан 4 нафар фарзанди бор. Улар ушбу хизмат уйида яшаб келишган. “Б.” 2019 йил 5 июлда вафот этган.

Шаҳар ҳокимининг низоли қарори билан марҳум “Б.” ва унинг оила аъзоларига хизмат уй-жойига кириш ҳуқуқини берувчи ордер бекор қилинган.

9. Ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик мақсадлари учун ер участкалари ажратилишида қонунчиликда белгиланган тартибга риоя қилиниши лозим.

Туманлараро маъмурий суднинг 2022 йил 7 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан “А.”нинг шаҳар ҳокимининг 2021 йил 21 июлдаги 42-3-564-Q/21-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Уй-жой кодексининг 80-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 192-бандига асосан, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари (эри, хотини, фарзандлари, шунингдек, қарамоғида бўлган шахслар) боқувчисини йўқотган тақдирда уларга бошқа қулай ва шинам турар жой бепул ажратилгунга қадар эгаллаб турган турар жойдан мажбуран кўчириб юборилиши мумкин эмас. Ҳарбий хизматчи ҳалок бўлгандан (вафот этгандан) сўнг уларда қонунчиликка мувофиқ турар жой шариоитларини яхшилаш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Қуйи судлар томонидан ушбу ҳолатлар инобатга олинмагани сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 30 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 9 ноябрдаги қарорига асосан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 апрелдаги 633-сонли қарори билан “А.”га

“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури асосида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда тикувчилик цехи биносини қуриш учун 600 кв.м ер участкаси ажратилган.

Вилоят прокурорининг протестига асосан шаҳар ҳокимининг 2021 йил 28 июлдаги 42-2-208-Q/21-сонли қарори билан ушбу қарор бекор қилинган.

Боиси аризачига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида асосланган ҳолда ер участкаси ажратилишида тарафлар ўртасида давлат-хусусий шериклик шартномаси тузилмаган, ҳоким қаро-

рида ҳам ер участкаси давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ажратилаётгани қайд этилмаган.

Бу эса, аризачига ер участкаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармони 2-банди талабларига зид равишда ажратилганлигидан далолат берса-да, апелляция инстанцияси томонидан мазкур ҳолатга нотўғри баҳо берилган.

Шунга кўра, кассация инстанциясининг 2022 йил 21 декабрдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилиниб, ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

10. Судлар томонидан Ер кодексининг 36-моддасига асосан ер участкаси заҳирага олиншига асос бўлган аризанинг ҳақиқийлиги текширилмагани суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 10 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий суднинг 2021 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А.” фермер хўжалигининг туман ҳокимининг 2020 йил 29 мартдаги 243-қ-сонли ва 2020 йил 17 апрелдаги 282-қ-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Туман ҳокимининг 2020 йил 29 мартдаги 243-қ-сонли қарори билан “А.” фермер хўжалиги томонидан фойдаланиб келинаётган 332к-контурдаги 8,20 га ер майдони туман заҳирасига қайтарилиб, 2020 йил 17 апрелдаги 282-қ-сонли қарори билан ушбу ер участкаси “Б.” фермер хўжалигига 49 йил муддатга ижарага ажратилган.

Бироқ туман ҳокимининг 243-қ-сон-

ли қарори 2020 йил 29 мартда қабул қилинган бўлса-да, фермер хўжалиги раҳбари номидан туман ҳокимига ёзилган ариза туман ҳокимлигида бир йилдан кейин, яъни 2021 йил 17 мартда 193/1-сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Қолаверса, туман ҳокимининг мазкур қарори қабул қилинишига асос бўлган туман ер ажратиш (реализация қилиш) комиссиясининг далолатномасидаги фермер хўжалиги раиси номидан қўйилган имзо бошқа шахс томонидан амалга оширилгани вилоят ИИБ ЭКБнинг хулосаси, туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғининг қарори ва вилоят прокуратурасининг хати билан исботланган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, туман ҳокимининг 2020 йил 29 март-

даги 243-қ-сонли қарори қонунчилик ҳужжатларига, хусусан, Ер кодексининг 36 ва 38-моддаларига зид равишда қабул қилингани, аризачининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилгани боис, кейинчалик қабул қилинган туман ҳокимининг 2020 йил

17 апрелдаги 282-қ-сонли қарори ҳам қонунга зид ҳисобланади.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 23 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.